



Мен бу ходисани кўп йиллар давомида эътироз ва мухаббат билан тилга олмай юрдим. Бу ходиса шу қадар огирки, уни ёзишда иккиланаман. Қандай қилиб муслмонлар ва Ислом учун мотамни ёзиш мумкин? Қандай қилиб шунча кулфатни тилга олиш мумкин?

Эҳ, онам мени тугмаганида эдилар, мен буни кўришдан олдин ўлиб кетганим яхши эди. Бирок дўстлар мени ёзишга ундашди. Нихоят тушундимки, буни ёзмаслик фойда бермайди. Зеро, бу мусибат барча одамларни камраб олди, аммо энг катта зарар муслмонларга тегди. Агар кимдир: “Одам (а.с.) яратилганидан буён дунёда бунчалик мусибат бўлмаган,” десе, у ҳақ гапиради. Тарихларда бунга яқин ходиса ҳам келтирилмаган.

Иштирока лойик мисол сифатида фақат Бухтуннаsrнинг Бани Исроилга қилган қатлиомини келтириш мумкин. Аммо унинг қилгани бу жирканч малъун тоторларнинг қилганларига нисбатан ҳеч нима эмас. Улар бутун шаҳарларни — ҳар бири Байтул Макдасдан улкан — вайрон қилдилар, ҳар бир шаҳарда Бани Исроилдан кўра кўпроқ одамни қатл қилдилар.

Аҳолининг тасаввурига сигмайдиган бу фалокат, эҳтимол, дунё тугунича яна қайтарилмас. Фақат Яъжуж ва Маъжуж чикканида бундан даҳшатлиси бўлиши мумкин.

Дажжол эса факат унга итоат килмаганларни ўлдиради, итоат килганлар омон қолади. Лекин бу тоторлар ҳеч кимни омон қолдирмади. Аёл, эркак, бола — ҳаммани ўлдиришди. Хатто хомиладор аёлларнинг қорнини ёришди, чакалоқларни ҳам ўлдиришди. Инна лиллахи ва инна илайхи рожиъун. Ла хавла ва ла қуввата илла биллах ал-ъалий ал-ъазийм.

Ибни Асирнинг "Ал-қомил фит-тарих" китобиданАбу Муслим таржимаси